

**ЕР УЧАСТКАСИ (ДАЛА) ПАСПОРТИ (ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК)****Зулфия Хафизова**

Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти катта  
ўқитувчиси  
[z.khafizova@tiame.uz](mailto:z.khafizova@tiame.uz)

**Абдуғани Муқумов**

Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти катта  
ўқитувчиси  
[abduganimuratov59@gmail.com](mailto:abduganimuratov59@gmail.com)

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада ердан фойдаланувчилар томонидан турли шароитларда ишлаб чиқаришни ташкил қилишлари ёки қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш бўйича тўғри қарорни қабул қилишларида дала паспорти маълумотларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** ер, ер участкаси, дала, дала паспорти, ҳужжатлар, ердан фойдаланиш.

**PASSPORT OF LAND PLOT (FIELD) (HISTORY AND FUTURE)****Zulfiya Khafizova**

Senior Lecturer of Tashkent Institute of  
Irrigation and Agricultural Mechanization  
Engineers  
[z.khafizova@tiame.uz](mailto:z.khafizova@tiame.uz)

**Abdugani Mukumov**

Senior Lecturer of Tashkent Institute of  
Irrigation and Agricultural Mechanization  
Engineers  
[abduganimuratov59@gmail.com](mailto:abduganimuratov59@gmail.com)

**ABSTARCT**

In this article of the considered the basic questions connected with application of the given passport of a field of the organisation of production in different conditions or the true decision at placing of agricultural culture.

**Key words:** land, land plot, field, passport of field, documents, land use.

**КИРИШ**

**Ер участкаси** — ер фондининг қатъий белгиланган чегара, майдон, жойлашув жойи, ҳуқуқий режимга ва давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа тавсифларга эга қисми [1-3].

**Аҳоли пунктлари қисмларининг батафсил режаси лойихаси (кейинги ўринларда БРЛ деб аталади)** — аҳоли пунктлари ҳудудлари қисмлари учун аҳоли пункти бош режаси асосида ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик ҳужжати бўлиб, у қизил чизиқларни, қурилишни бошқариш ва ер участкаларидан

фойдаланиш чизикларини, ердан фойдаланиш чегараларини, худудларни зоналарга ажратишни ва уларда қурилиш навбатини, ҳимоя қилинадиган зоналардан фойдаланиш режимини, кўчалар, йўлаклар, пиёда юриш зоналарини, шунингдек, транспорт, алоқа, муҳандислик ускуналари ҳамда худудни ободонлаштириш иншоотлари ва коммуникациялари параметрларини, қурилишнинг ҳажм-фазовий ва маъмурий-тархий ечимини, шунингдек, қурилиш зичлиги ва параметрларини, бинолар ва иншоотларнинг қаватлилигини, турини белгилайди [4-6].

Кўчмас мулк объектини кадастр ҳисобига олиш ва кадастр йиғмажилдини шакллантириш натижасида кўчмас мулк объекти бўйича электрон шаклда кадастр паспорти расмийлаштирилади [7-9].

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Кадастр паспортида мулкдор ва ҳуқуқ белгилловчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилмайди.

Кадастр паспортининг шакллари қуйидаги турлар бўйича белгиланади:

кўп квартирали уйдаги турар жойнинг кадастр паспорти;

якка тартибдаги турар жойнинг кадастр паспорти;

нотурар жой тоифасидаги кўчмас мулк объектнинг кадастр паспорти;

ер участкасининг кадастр паспорти;

қурилиши тугалланмаган объектнинг кадастр паспорти.

Кўчмас мулк объектига кадастр паспорти қуйидаги ҳолларда расмийлаштирилади ёки қайта расмийлаштирилади:

кўчмас мулк объекти бўйича бирламчи хатлов ишлари бажарилганда;

кўчмас мулк объектнинг бир қисми бегоналаштирилганда ёки ер участкаси алоҳида бўлинганда (бунда икки қисмга алоҳида кадастр паспорти шакллантирилади);

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилгандан сўнг уларнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтганда;

ер участкасининг майдони ёки чегара нуқталари ўзгарганда;

кўчмас мулк объектнинг манзилени белгилашда ёки ўзгартиришда;

кўчмас мулк объектнинг тоифаси ўзгарганда;

ўз ер участкасида тегишли рухсатномаларни расмийлаштирмасдан қурилган бино ва иншоотлар мавжуд бўлганда [10-12].

Кадастр паспортини олиш ҳамда белгиланган тартибда кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза берувчининг ихтиёрига кўра бир вақтда ёки алоҳида мурожаат қилиш мумкин.

Белгиланган тартибда келишилган лойиҳа ҳужжатларига кўра объектнинг қурилиши (реконструкцияси) тугалланган тақдирда, битта сўровномага асосан кадастр паспорти, объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси, кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги реестрдан кўчирма бир вақтда берилади [13-15].

Кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келганда, бошқа шахсга ўтганда, бекор бўлганда ёки кўчмас мулк объектнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгарганлигини тасдиқлаш ёки қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича мурожаат қилинганда, ариза берувчининг ихтиёрига кўра қоғоз ёки пластик шаклдаги кадастр паспорти берилади [16-18].

Дехқончиликда қўлланиладиган дала алмашлаб экишларни баҳолаш ва уларни таққослаш уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва тупроқ унумдорлигига таъсири бўйича амалга оширилади. Дала алмашлаб экишларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари сифатида бир бирлик ҳайдалма ер майдонига ёки бир бирлик қишлоқ хўжалик ер турлари ҳисобига етиштирилган асосий маҳсулот миқдори хизмат қилади. Пахтачиликка ихтисослашган хўжаликларда бундай маҳсулот сифатида пахта, ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларда-ғалла, сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларда – сабзавот ҳисобланади. Бунда на фақат ялпи ёки товар маҳсулот, балки уларнинг сифати, маҳсулот қиймати, меҳнат ва воситалар сарфи, маҳсулот таннархи ва ҳаражатларнинг қопланиши ҳам ҳисобга олинади. Алмашлаб экишларда экин майдонлари таркиби ва унга ишлов бериш агротехникаси бир ҳил бўлганда бир ҳилдаги экин учун сарфланадиган ҳаражатлар тенг бўлади ва бундай ҳолатларда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи сифатида бир ҳил экинлар ҳосилдорликлари ўртасидаги фарқ, ҳамда тупроқ унумдорлигига таъсир кўрсатувчи асосий ҳусусиятларнинг ўзгариши хизмат қилади [19-21].

Далада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритувчи агар у ҳақиқий дехқон ёки ернинг эгаси бўлса ўзи фойдаланаётган дала тўғрисида, нима учун ва қанча меҳнат сарфлангани ёки йил якунида даланинг ҳолати тўғрисида кўпгина маълумотларни бериши мумкин. Лекин шуни эътиборга олиш керакки бундай маълумотлар қачонки улар дала паспорти сингари бир тизимга келтирилган бўлсагина фойда келтириши мумкин [22-24].

**Дала паспорти** – бу даланинг махсус карточкага ёзилган ёки жадвалга киритилган табиий-хўжалик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар тўпламидир.

Далалар паспорти собиқ иттифоқ таркибига кирувчи республикаларда ХХ асрнинг 90-йилларида кенг қўлланилган бўлиб у икки қисмдан иборат бўлган. Унинг **биринчи қисми** қишлоқ хўжалик корхонаси ер тузувчиси ёки агрономи томонидан тўлдирилиб ўз ичига қуйидаги материалларни олган : дала тартиб

рақами, умумий майдони ва таркиби, жой рельефи, тупроқларнинг қисқача тавсифи, олдинги йилларда экилган экинлар (экин номи, экинга ишлов бериш, минерал ва органик ўғитларни солиш, ҳосилдорлик бўйича маълумотлар) ва далани тавсифловчи бошқа хусусиятлар, ҳамда ушбу далада экилиши режалаштирилган экин номи, унинг нави, режалаштирилган ҳосилдорлик, муддатлари кўрсатилган ҳолда экинга ишлов беришга оид агротехник тадбирлар, минерал ўғитларни солиш ва уруғни экиш меъёрлари ва бошқ. Агроном томонидан тўлдирилган ушбу қисм кейинчалик далада бевосита фаолият юритувчига (бўлим агрономи ёки бригадир) топширилган. Дала паспортининг иккинчи қисми далада бевосита фаолият юритувчи (бўлим агрономи ёки бригадир) томонидан тўлдирилган бўлиб у қуйидаги ахборотни ўз ичига олган: белгиланган тадбирларнинг иш тури кўрсатилган ҳолда амалда бажарилиши, уруғликни экиш ва минерал ўғитларни солиш меъёрлари, ишлов бериш чуқурлиги, ишларни бажарилиш сифати ва бажарувчиларнинг фамилиялари. Қишлоқ хўжалиги йили охирида ахборотлар қишлоқ хўжалик корхонаси (жамоа хўжалиги ёки совхоз) агрономига топширилган ва маълумотлар ип бойланган далалар тарихи китобига киритилган [25-27].

Кўришиб турибдики дала паспорти маълумотларидан турли йилларда экилган қишлоқ хўжалик экинлари, тупроқларнинг агрофизик ва физик тавсифлари, қишлоқ хўжалик йилининг метеорологик ҳолати тўғрисида ишончли маълумотларни олиш мумкин. Шу сабабли проф. М.А.Гендельман фикрига кўра, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ерларнинг сифатини, олдин экилган қишлоқ хўжалик экинларини ва уларнинг ўзгариб турувчи таркибини эътиборга олиб далалар паспорти материаллари асосида ҳар йили ўтказилган [28].

Кўп йиллар давомида ер тузиш соҳаси мутахасислари ва агрономлар ердан фойдаланувчиларга далага оид барча маълумотларни унинг паспортига киритиш ва сақлашда амалий ёрдам бериб келдилар [29]. Лекин республикада ўтказилган бир қатор ислохотлар, ердан фойдаланувчилар таркибида рўй берган ўзгаришлар натижасида дала паспортини юритиш билан боғлиқ ишларда узилишларга олиб келди. Натижада бугунги кунга келиб республиканинг айрим хўжаликларидагина кўп йиллар давомида далага рўй берган ўзгаришлар тўғрисида маълумотларга эга бўлган дала паспортини ёки дала тарихини учратиш мумкин. Шу ўринда савол туғилади, нима сабабдан бугунги кунга келиб деҳқон учун шунчалик зарур маълумотларга эга бўлган дала паспорти нега юритилмай келмоқда?

Бизнинг назаримизда бундай ҳолатнинг юзага келиш сабаблари бир нечта:

**Биринчи сабаб**, ўзи фойдаланаётган далага оид бўлган ишончли маълумотларга эга бўлиш – бу жуда **яхши**. Лекин шу билан бир қаторда йиллар бўйича жуда катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш анчагина меҳнатни ва ҳаражатларни талаб қилади.

**Иккинчи сабаб**, дала бўйича йиллар давомида йиғилган маълумотлардан ишлаб чиқаришни қандай юритишга оид керакли хулосани чиқариш ҳарқандай ердан фойдаланувчининг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун у далага оид жуда катта ҳажмдаги фактлар ва рақамлар асосида иқтисодий жиҳатдан оптимал агротехнологияни танлаб олиши учун назарий таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

**Учинчи сабаб**, бугунги кунда далада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ёки экинларни экиш бўйича тавсияномаларга назар солсак, уларнинг барчаси битта схемага асосан қурилган. Яъни, муаллиф аниқ бир шароитдаги далада тажриба ёки изланишлар ўтказган ва хосилдорлик бўйича юқори натижаларга эришган. Шу сабабли у шундай шароитдаги барча ишлаб чиқарувчиларга ўзи бажарган тартибда иш юритишни тавсия қилган. **Бир томондан** олиб қаралганда жуда фойдали маслаҳат, **иккинчи томондан** агар шароитлар қайтарилмаса ёки ўзгарса унда ердан фойдаланувчи қандай йўл тутиши кераклиги тўғрисида муаллифлар кўпинча тавсиялар бермайдилар [30].

## ХУЛОСА

Демак, бугунги кунда ердан фойдаланувчиларга турли шароитларда тўлиқ маълумотлар базаси асосида ҳисоб-китоблар қилиши ва фикр юритишлари, ишлаб чиқаришни ташкил қилишлари ёки қишлоқ хўжалик экинларини экиш бўйича тўғри қарорни қабул қилишлари учун аниқ бир тизим керак. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатдики бундай тизим сифатида автоматлашган тизимга келтирилган дала паспортини бемалол қўллаш мумкин. Бунда автоматлашган тизим иккита асосий вазифани амалга ошириши керак.

**Биринчиси**, ишлаб чиқариш шароитларида ҳар бир даланинг агроэкологик тавсифини ёритувчи маълумотларни электрон базасини яратиш. Уни муҳофаза қилишни ва қисқа вақт ичида уларни таҳлил қилиш ва тўлдириш учун шароитларни ташкил қилиш.

**Иккинчиси**, маълумотларни умумлаштириш, илмий нуқтаи назар ва тажриба асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оптимал режалаштириш. Бажарилган ишлар натижасини фойдаланувчиларга барча учун фойдаланишга қулай бўлган шаклда тақдим этиш.

## REFERENCES

[1] KZ KHOLMURATOVNA. The Environmental Protection, the Role of Land Support in Creation of Economic and Legal Mechanisms of Effective Use of Land Resources. JournalNX - a Multidisciplinary Peer Reviewed Journal 2 (2), 84-86

- [2] B Normuminov, R Abdikarimov, D Khodzhaev, Z Khafizova. Parametric oscillations of viscoelastic orthotropic plates of variable thickness. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering 896 (1), 012029
- [3] С Садуллаев & Ш Умарова. (2021). ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ. *Scientific progress*, 2(1), 989-995.
- [4] U Sangirova, Z Khafizova, I Yunusov, B Rakhmankulova, U Kholiyorov. The benefits of development cage fish farming. E3S Web of Conferences 217, 09006
- [5] A.P, B., & S.B., R. (2021). The Current State Of The Use Of Lalmi Crop Land And The Main Directions Of Their Improvement. *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 3(03), 39-45. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume03Issue03-07>
- [6] M Begimova. Climate indicators for forest landing and evaluation evaluation of forest shelterbelts. E3S Web of Conferences 227, 02004 (2021). <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202122702004>
- [7] Махсудов, М. Д. Ў. (2021). ЕР ФОНДИДАН ФОЙДАЛАНИШ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИ БОШ СХЕМА ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ. *Scientific progress*, 1(5).
- [8] Muratovich, MukumovAbdugani and Alikulovich, Usmanov Yusuf and Sobir, Ruziboyev. (2020). The ways to increase the efficiency of dekhan and household plots. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(03).
- [9] A Mukumov, K Hujakeldiev, F Xamidov, S Narbaev, K Abdivaitov. Features of the organization of agroclusters in the structure of land management projects. *E3S Web of Conferences*, 227
- [10] Alikulovich, U. Y. (2020). Mechanisms Of Establishing The Use Of Irrigated Land In The Degradation State In The Conditions Of Land Use Diversification. *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 2(09), 77-84. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume02Issue09-13>
- [11] Mahsudov, M. D. U. (2021). PRIORITIZATION OF EXPORT PRODUCTS IN THE LAND USE DIVERSIFICATION. *Scientific progress*, 1(6).
- [12] Мукумов, АМ & Успанкулов, БМ. (2020). Особенности ведения земельного кадастра в зоне орошаемого земледелия. *Землеустройство, кадастр и мониторинг земель*, 3, 34-36
- [13] M Muhammadbek. DIVERSIFICATION OF LAND USE. Збірник наукових праць ЛОГОС, 2021
- [14] АР Бабажанов, СР Шарипов, БМ Успанкулов. ЗЕМЛИ ЛЕСНОГО ФОНДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И АНАЛИЗ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ. *Вестник Казахского гуманитарно-юридического инновационного университета*. 2017. № 1 (33). С. 198-201.

- [15] Sharipov S.R. The types of disturbed lands and the main directions of their reclamation. *ECONSPEAK: A journal of Advances in Management IT social Sciences, International Virtual conference on The ways of innovative approach on the Deployment of Science and Education // Vol.9, issue 5, May 2019. P.75-81.*
- [16] AR Babajanov, MD Mahsudov. Diversification of land fund in the district. Monograph. LAP Lambert Academic Publishing, 77-78
- [17] Mahsudov, M. D. (2018). Land use and management issues in local areas. In *Problems of improving the efficiency of work of modern production and economy of energyresources' International Scientific and Practical Conference materials.-Andijan, Uzbekistan:-2018.*
- [18] AP Бабажанов, СБ Рўзибоев, БМ Успанкулов. Классификация зданий и сооружений Узбекистана для их оценки. *Вестник Казахского гуманитарно-юридического инновационного университета. 2020. № 4 (48). С. 97-102.*
- [19] S Abdurakhmonov & I Abdurahmanov & D Murodova & A Pardaboyev & N Mirjalolov & A Djurayev. (2020). Development of demographic mapping method based on GIS technologies. *ИнтерКарто. ИнтерГИС, 26(1), 319-328.*
- [20] J Choriev, T Muslimov, R Abduraupov, A Khalimbetov, S Abdurakhmonov (2020). Fundamentals of developing and designing portable weirs for farmlands. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, Volume 869, NEW CONSTRUCTION TECHNOLOGIES
- [21] S Avezbayev et al 2020 *IOP Conf. Ser.: Mater. Sci. Eng.* 883 012059
- [22] SR Sharipov. TA'LIM BERISH JARAYONIDA NAZARIYA VA AMALIYOT BIRLIGINI TA'MINLASH. - *Scientific progress, 2021*
- [23] Ugli, M. M. D., & Qizi, B. S. S. (2019). Economic basis of evaluation of land resources and their capitalization. *International Journal of Financial, Accounting, and Management, 1(2), 101-103.*
- [24] НН Дубенок & ЮГ Безбородов & АС Шуляк & СА Аvezбаев & ОН Юсупбеков. (2019). Землеустроительное и почвенное картографирование для мелиорации земель.
- [25] Mahsudov, M. D. (2019). IMPROVEMENT OF THE ALLOCATION OF LAND FUND DURING THE DIVERSIFICATION PROCESS. *Central Asian Problems of Modern Science and Education, 3(4), 103-111.*
- [26] С Аvezбаев. (1992). Экономические и социальные основе организации рационального использования земельных и водных ресурсов в районах экологического бедствия (на примере низовья Амударьи).
- [27] Mahsudov, M. D. U., Khakimova, S.A. (2021). ISSUES OF ATTRACTING INVESTMENT TO DIVERSIFICATION THE USE OF LAND FUND. *Scientific progress, 1(6).*

- [28] Махсудов, М. Д. У. (2017). Современное значение геодезии и картографии. *Academy*, (8 (23)).
- [29] Ugli, M. M. D. (2019). Economic evaluation of land in land fund diversification. *International Journal of Financial, Accounting, and Management*, 1(3), 167-172.
- [30] Altiev, A. S., & Mahsudov, M. D. (2019). REPRODUCTION CYCLE OF LAND. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 3(4), 96-102.